

---

## Бола фарзандликка олинса, алимент мажбуриятлари тугатилади

Қонунчиликка кўра, фойдасига алимент ундириладиган бола фарзандликка олинганда суд томонидан белгиланган алимент мажбурияти тугатилади. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 147 моддасида қандай ҳолларда Алимент мажбуриятларининг тугатилиши кўрсатилган:-Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувда белгиланган алимент мажбуриятлари тарафлардан бирининг ўлими, мазкур келишув муддатининг ўтиши ёки унда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугайди. -Суд тартибида ундириладиган алимент тўлаш: -бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда; -фойдасига алимент ундириладиган бола фарзандликка олинганда; суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган деб топганда; меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда; -алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда тугатилади. МИБ Бешариқ тумани бўлими

2023-01-19 16:13:27